

ГОЛКОНДА СУЛТОНЛИГИ ДАВРИДА УРДУ АДАБИЁТИ

АБДУРАҲМОНОВА МУҲАЙЁ

Филология фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

Аннотация. Мақолада XV–XVII асрларда Қутбшоҳлар ҳокимияти даврида яшаб ижод қилган шоирлар – Қули Қутбшоҳ, Султон Иброҳим ва унинг ворислари – Муҳаммад ва Абдулла ва улар яратган куллийатлар, Муҳаммад Мазҳаруддин ибн Нишотий ва унинг “Иршоднома” маснавийси, “Сукҳ Саҳела” ва 1610 мисрали “Ҳужжат ал-бақа” ва кўплаб голкондалик шоирлар – Аминуддин Аъла, Камол Хон Рустамий, Мирзо Муҳаммад Муқимий каби дақҳинийда қалам тебратган мутасаввиф шоирлар ижоди хусусида сўз боради.

Таянч сўз ва иборалар: Декан, дақҳиний, дўҳра, Голконда султонлиги, тариқат, марсия, газал, қасида, рехта.

Аннотация. В статье пишется о творчестве поэтов, живших в Голконде в XV–XVII вв. во время правления династий Кутубшахов, таких как, Мухаммад Кули Кутубшах, Султан Ибрахим, о его книге Шархи маргуб аль-кулуб и Шахадат аль-хакикат, Бурханиддин Джанам, о его маснави «Иршаднама», «Сукх Сахела», а также поэтов, таких как Аминуддин Ала, Камал Хан Рустами, Мирзо Мухаммад Муқими и других.

Опорные слова и выражения: Декан, дақҳини, доҳра, Голкондский султанат, суфийское направление, ода, дастан, элегия, газель, рехти.

Abstract. The article is about the creativity of poets who lived in Golkonda in the XV–XVIIth centuries during the reign of the Kutubshah dynasty, such as Muhammad Kuli Kutubshah, and Sultan Ibrahim, his sons – Muhammad and Abdullah and their kulliyats, Muhammad Mazharuddin ibn Nishatiy, about his masnavi "Irshadnama", "Sukh Sahela", as well as poets such as Aminuddin Ala, Kamal Khan Rustami, Mirzo Muhammad Mukimi and others.

Keywords and expressions: Dekan, dakhini, do'hra, Golkonda sultanate, sufizm, elegy, ghazal, poem genre, ode, rexta.

Голконда марказий Ҳиндистондаги мусулмон султонликларида бири бўлиб, 1518 йилда Баҳманий салтанати парчаланиши билан шаклланган Деканнинг иккинчи йирик салтанатидир. Унда Қора Қуюнли деб аталмиш турк кавмидан бўлган Қутбшоҳ сулоласи ҳукмронлик қилган.

Қутбшоҳлар ҳокимияти асосчиси султон Қули Қутбшоҳдан кейин етти авлод бу салтанатга ҳукмронлик қилган. 1678 йили Аврангзеб Оламгир уни фатҳ этиб, бобурийлар салтанатига бўйсундирган¹.

Султон Қули 1544 йили қатл қилинади, унинг ўғли Жамшид тахтни эгаллайди ва етти йилдан сўнг вафот этади. Унинг вафотидан сўнг Субҳон Қули ва Иброҳим Қутбшоҳлар тахтга ўтиради. Айниқса, Иброҳим Қутбшоҳ

даврида Голконда илм-маърифат марказига айланади. У ҳокимиятни сиёсий-жўғрофий жиҳатдан кучайтирди ва Голкондада илму фаннинг ривожига катта ғамхўрлик қилди. Султоннинг ўзи шеърятга таъби бор, ўта иқтидорли, араб, форс ва туркий тиллардан ташқари, маҳаллий тилларни ҳам билган².

Султон Иброҳим йигирма йил ҳукмронлик қилгач, 1580 йилда қазо қилади ва унинг фарзанди Муҳаммад Қули Қутбшоҳ тахтни эгаллайди. Бу давр қутбшоҳлар ҳукмронлигининг энг ёрқин даври ҳисобланади³. Сабаби, бу пайтда ҳукмдор мухташам бинолар, кенг бозорлар қурилиб, ям-яшил боғлар, сувлари шарқираб оқаётган анҳорлар, ариқларни бунёд қилдирди.

¹ نصیر الدین ہاشمی دکن میں اردو، نئی دہلی، 2004ء، ص ۷۵، ۲۰۱۶ ص 199

² نصیر الدین ہاشمی دکن میں اردو، نئی دہلی، 2004ء، ص ۷۶، ۲۰۱۶ ص 95

³ ڈاکٹر زور اردو شہپارے، ص 45، ۱۰۴

Султоннинг ўзи ҳам дакҳинийда шеър битар, Қутб, баъзан Маоний тахаллуси билан ижод қилган ва кўпгина танқидчилар томонидан дакҳиний урдудаги дастлабки носир деб тан олинган¹. Унинг ворислари-Муҳаммад ва Абдулла ҳам дакҳиний ва форсийда қалам тебратган таниқли шоирлар бўлган. Илмли ва бағрикенг ҳукмдор бўлган Иброҳимнинг бошқарув даврида мамлакат ҳудуди кенгайган, ҳиндулар ва мусулмонлар орасида муносабатлар яхшиланган. Ҳиндулар саройда юқори лавозимларни эгаллашди ва уларга аввалги мусулмон шоҳлар даврида таъқиқланган Ҳоли ва Дивали каби бир қанча ҳинду диний байрамларини нишонлашга рухсат берилди. Маоний уч тилда ижод қилган: урду, форс ва телугу. У форсийдаги барча шеърий услубларни ўрганган ва уларни дакҳинийда қўллаган. Урду адабиётидаги дастлабки муаллиф сифатида у шеърларини форсча услубда девонга жамлаган: қофиядош ҳарфларнинг алифбо кетмакетлигига кўра жойлаштирган. “Куллиёт” 1800 бетдан иборат бўлиб, уларнинг ярмидан ортиғи ғазал, 100 дан ортиқ саҳифасида қасида, 336 бетида маснавий, қолганлари марсиялар ва бир қанча тўртликлардан таркиб топган. Маоний урдуда илк марта ғазали мусалсал, яъни бандлари бир мавзуда бўлган ғазал битган шоир ҳисобланади. Бошқа ҳукмдор шоирлардан фарқли тарзда Маоний форсийдан кўра ҳиндча бадий лавҳалардан кўпроқ фойдаланган. Унинг шеърларида таомлар, кийимлар, филлар ва бошқа нарсалар ҳақида изохлар берилган. У Ҳиндистон табиати ва одамларининг одатлари ҳақида куйлаган. Ҳинду ва мусулмон байрамларининг рангли тасвирларидан ташқари, “Куллиёт”да биз маҳаллий анъаналарга ҳамоҳанг тарзда йил фасллари, айниқса ёмғир мавсуми ҳақидаги шеърларни учратишимиз мумкин. Маоний равон ва содда тилда ёзган ва юқори

катлам вакили бўлишига қарамай, кўпчилик уни урду адабиётидаги биринчи халқ шоири деб атайдилар. Ишқий шеъриятида ҳам у катта қадам ташлаган. Унинг шеърларида аёлларга бўлган севги аввал бўлгани каби яратган висолига бўлган интилиш ортига беркитилмайди, балки анча ошқора ва очик баён этилади. Мана шеърининг мазмуни:

Менинг кўзларим бир қизнинг қора юзига тушиди,

Ва бутун оламни унутди.

Сарвдек қомати ўзига жалб қилади,

Маёқлар менга ой нуридек туюлади.

Шамол каби тезлик билан қўлларим белини қучади

Нозик бели эса қуёш ва ой каби нур сочади².

Ўзи ҳам яхшигина шоир бўлган Абдуллоҳ Қутбшоҳ даврида Муҳаммад Мазҳаруддин ибн Нишотий ижоди машҳур бўлган. Унинг ҳаёти ҳақида бизда деярли маълумот йўқ. Уни машҳур қилган “Пхулбан” маснавийсидир. 1655 йилда ёзилган бу ишқий афсона шоҳга аталган дакҳиний шеъриятининг марвариди ҳисобланади. У 3500 мисрадан иборат бўлиб, анаъанавий тарзда илоҳий воқеаларга тўла. “Пхулбан” йўқолиб кетган “Басотин” асосида яратилган. (Уни XI аср ўрталарида Муҳаммад Туғлоқ ҳукмронлиги даврида Аҳмад Зубайрий ёзган). Ибн Нишотий 17-асрдаги Декан ҳаётининг жонли ва ишончли тасвирини беради; шунинг учун унинг асари фақат бадий жихатдангина эмас, тарихий манба сифатида ҳам аҳамиятга эга. Муқаддима қисми охирида ҳар доимгидек мадҳлар билан бирга вафот этган шоир аждодларини ҳам ёдга олади. Бир неча йиллардан кейин ёзилган хотимасида айтишча, у аввал бир қанча насрий асарлар ёзган (ҳеч бири бизгача етиб келмаган), “Пхулбан” эса унинг шеъриятдаги илк асари бўлган. Ёқимли ва равон тили туфайли у машҳур бўлиб кетган.

¹ نصير الدين ہاشمی دکن میں اردو، نئی دہلی، 2004، ص 37

² دکن میں مرثیہ اور عزاداری ڈاکٹر رشید 1997 ص 37
موسوی ترقی اردو بیورو، نئی دہلی، ۱۹۸۹، ص ۱۲۹



Ибн Нишотийнинг ёшроқ замондоши Табий 1670 йилда Низомийнинг “Ҳафт пайкар”ига ўхшатиб “Қиссайи Баҳрам о Гуландам” номли маснавий ёзади. Худди шу мавзуга ундан олдин 1620 йилда бижопурлик Амин “Баҳрам о Хуснбану ” асарига ва 1639 йилда Давлат ўз достонида қўл уради. Бироқ Табийнинг асари анча ва мукаммал. У дostonни қирқ кунда ёзиб тугатган, деган тахминлар ҳам бор. Табий Важаҳийга жуда ихлос қўйган ва ҳатто улуғ шоир ўзининг тушига кирганини таъкидлайди. Унинг тушида Важаҳий Табийнинг унча мураккаб бўлмаган тилда ёзилган форс шоҳи Баҳром Гўрнинг жинлар мамлакатадаги саргузаштлари ва маликага уйланиши ҳақидаги достонини мақтаган экан.

Яна бир машҳур дoston Кутбшоҳларнинг охирги вакили Абул Ҳасан Танашоҳ даврида яшаган Файз томонидан ёзилган. 1683 йилда у жинлар маликаси ва Хитой шахзодаси Ризвон муҳаббати ҳақидаги 1700 мисрали “Ризваншаҳ о Руҳафза” номли маснавий яратган. Замон талабига мос тарзда қўрқинчли ва мўъжизавий ҳодисалар тасвирланган. Мавзу форс насрий эртагидан олинган. Бу дахҳинийда битилган дostonнинг тили аввал ёзилганларидан биров содда; баъзи бўлимлари насрда ёзилган; форс ва араб сўзларидан фойдаланишда Файз ўзидан олдинги шоирлардан кўра Валийга кўпроқ эргашади: бу эса 1680 йиллардаги дахҳиний урдуда форсий лексикани қўллашга мойиллик кучайганини кўрсатади.

Ярим аср ўтиб, 1745 йилда Муҳаммад Бақир Оға Файзнинг мавзусини ишқий эртаклар ва фантастик ҳикоялар учун қайта ишлаб чиқади. Афсоналар дахҳиний адабиётида шу даврдаги ҳинд-форс шеърлятидаги каби кўп қўлланиларди. Шоирлар одатда санскрит ёки форсийдаги намунасини олишган, лекин деярли уларнинг ҳаммаси асарларига маҳаллий тус беришган. Бу соҳадаги энг машҳур шоирлардан бири XVIII асрда яшаган деканлик Таҳсинуддин бўлган. Унинг

“Қиссайи Камруп” маснавийси шахзода Камрупнинг тушида кўриб ёқтириб қолган қиз – Кала ишқида кечирган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилади. Ҳикоянинг номи ҳам кўрсатиб турибдики, мавзу (“1001 кеча”даги Самарқанд шахзодаси эртагига жуда ўхшаш) санскритдан олинган. Сарой шеърлятидан ташқари, яна бир оммалашган шеърлят Голкондада – Декан атрофларида ривожланди. Саид Булакий, Мирон Яқуб, Фарукий каби бир қанча шоирлар ўз шеърлярини бозорлар ва бошқа одамлар гавжум жойларда ўқишган; халқ орасидан чиққан қаландар ва ҳикоячилар уларни ёд олиб, бутун Ҳиндистон бўйлаб куйлаб юришган. Бироқ, бу шеърлярнинг кўпчилиги ёзиб олинмаган, шунинг учун вақт ўтиши билан йўқолиб кетган.

XVII аср иккинчи ярмида бобурийлар давлати Деканнинг мустақил султонликларига сиёсий ва ҳарбий босимни кучайтира борди. Чексиз урушлар, келажакда бўлиши мумкин бўлган талафоту қирғин-баротлар хавотири Бижопур ва Голкондадаги шоирларда умидсизликни келтириб чиқарди. Бу эса фожиавий мавзуларга кўпроқ мурожаат қилиш ва диний туйғулар чуқурлашувида ўз аксини топди. Бундай шароитда баландпарвоз мадҳиялар ва гўзал севги ҳақидаги қўшиқлар ўз ўрнини ғамгин шеърлятга бўшатиб бериши табиий эди.

Декандаги салтанат аҳлининг катта қисми шиа бўлгани учун муҳаррам ойидаги фожиали Карбало воқеасининг ёдга олиниши уларнинг диний тарғиботларининг ажралмас қисмини шакллантирди; аслида дахҳинийдаги илк марсияларни Муҳаммад Қули Кутбшоҳ номи билан боғлайдилар. Бу жанр анча ривожланганди ва пайғамбар авлодларининг мусибату қийинчиликлари ҳақидаги таъсирли шеърлар айтишда ишлатиларди: мисол учун, қақалоқ Ашғар қиссаси. Ҳошим Алининг марсияси куйидаги сўзлар билан бошланади:

*Бу не кўргилик, сенинг қонга бўялган
кафанинг, Ашғар*

*Бу не ғам, сенинг чанқоқдан қуриб қолган
огзинг, Ашғар*

*Сенинг атиргул каби тананг – қизил,
Ашгар*

*Бу не гам, сенинг болалигинг Ашгар
Нега сенинг сочларинг тўзгиган
Нега оғзингдан қон оқади?
Нега бунча тез уйқуга кетдинг?*

Бу ҳам бошқа марсиялар сингари бечора онанинг фарёди билан якун топади:

*Энди кимнинг бешигин тебратай,
Энди кимга аллалар айтай,
Энди кимни бағримга босай,
Бу не қўргилик, сенинг болалигинг Ашгар¹.*


Декан давлатлари мустақиллигига Аврангзеб якун ясади. 1686 йилда у Бижопурни босиб олди, бир йилдан кейин Голкондани эгаллади ва уларни бобурийлар империяси таркибига қўшиб олади. Лекин дахҳиний адабий анъаналари яна бир аср сақланиб қолди. Шунинг учун саййид Ашраф марсия ёзиш анъанасини давом эттирган ва 1713 йилда халифа Али Хайдарнинг жанг саргузаштлари акс эттирилган “Жангномайи Хайдарий” асарини ёзиб тугатган. Қизик томони шундаки, Ашраф каби Муҳаммад Файзий Озод ҳам “Зафарнома”сида Алининг кенжа ўғли – Муҳаммад ибн ал-Ханафийя ҳақида ёзган. Бошқа кўплаб Декан ижодкорлари ҳам шу мавзуга қўл уришган.

Худди шу даврда Атторнинг машҳур “Мантиқ ут-тайр” достонига ўхшатма тарзида Важаҳий “Банжҳи бача” номли китоб ёзган. Ишқий маснавийлар ёзиш анъанасини қодирия тариқати вакили Қози Маҳмуд Баҳрий давом эттирган. У сўзлашув тилида ёзган ва шеърий мукамалликка интилмаган. Унинг “Ман лаган” маснавийси анча мураккаб ҳисобланади. Доктор Саид Абдуланинг таъкидлашича, унда сўфийлик анъаналари бўйича ишқий ҳикоялар ёзиш тузилмаси кўрсатилган. Баҳрий, шунингдек, кичик достонлар ва форсий шеърлар ёзган.

Кейинги давр дахҳиний адабиётида ҳикоя шаклидаги қисқа достонлар кўп учрарди.

Дийдор “Қиссайи Моҳи мунаввар ва Шамшод Бону” номли қисқа маснавийсида мусулмон савдогарнинг ўғли ва европалик гўзал қизнинг Сурат савдо бандаргоҳидаги севгиси ҳақида ҳикоя қилинади.

Дахҳиний шеъриятида ривожланган Ба-раҳа манаса ёки Даваздаҳ манаса (12 ой ҳақидаги достонлар) маҳаллий хинд шеъриятидан келиб чиққан ва қишлоқларда халқ оғзаки анъаналари билан умумий жиҳатлари кўп. Бу турдаги достонлар асосан Асарҳ ойидан (июнь–июль) ёмғир мавсуми бошланган ва табиат қайта жонланган, дарахтлар ва майдонлар яшилликка бурканадиган даврдан бошланади.



¹ دکن میں مرثیہ اور عزاداری ڈاکٹر رشید موسوی ترقی
اردو بیورو، نئی دہلی ۱۹۸۹